

2022 йил “ _____ ”
да Тошкент вилояти Адлия
бошқармаси томонидан
_____ -сон билан
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН

Toshkent viloyati Adliya
boshqarmasida
RO'YXATGA OLINDI
2022. y. "28" m. iul
№ 726 - son

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши Ижроия
қўмитасининг 2022 йил
№ 6-4 “с”-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН



**“Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси
Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси тўғрисида”**

НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бирлашган кўмитасини (кейинги ўринларда “Бирлашган кўмита” деб юритилади) тузиш, фаолиятини ташкил этиш, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини тугатиш тартибини белгилаб беради.

2. Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган кўмитасининг ташкилий ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси бўлган Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасининг ҳудудий тузилмасидир.

3. Бирлашган кўмита тизимида бўлган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

4. Бирлашган кўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тармоқ касаба уюшмаси Устави, тегишли Тармоқ Келишувлари, касаба уюшмаси юқори органларининг меъёрий ҳужжатларига амал қилади. Бирлашган кўмита бевосита тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раҳбарлиги остида фаолият кўрсатади. Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси унинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

5. Бирлашган кўмита фаолиятини Тошкент вилояти ҳудудида амалга оширади.

6. Бирлашган кўмитанинг номланиши:

Ўзбек тилида: тўлик - Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган кўмитаси;

Рус тилида: тўлик – Ташкентской областной объединенный комитет профессионального союза работников культуры, спорта и туризма Узбекистана.

7. Бирлашган кўмитанинг доимий фаолият кўрсатувчи раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): индекс 111500. Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри Тошкент йўли кўчаси

II. Бирлашган кўмитанинг тузилмаси, мақсад ва вазифалари

Касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган кўмитаси тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

- касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти (кейинги ўринда - “Бошланғич ташкилот” деб юритилади);

- касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларининг бирлашган кўмитаси (кейинги ўринда - “Бирлашган кўмита” деб юритилади);



8. Қўмитанинг асосий мақсади - касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

9. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Уставда белгиланган вазифаларни, Конференциялар ва Курултойнинг қарорларини бажариш бўйича ўз фаолиятини амалга оширади;

- ўз ишини бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этади, улар фаолиятини мувофиқлаштиради, ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришида амалий ёрдам кўрсатади ва қўллаб-қувватлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош келишув, тармоқ келишувлари ҳамда ҳудудий (минтақавий) келишувнинг ҳудудда бажарилишига қўмаклашади;

- меҳнатга оид ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- касаба уюшмаси аъзоларига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар беради ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат қилади;

- меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг тўланишида ижтимоий адолатли тизим жорий этилишига эришади;

- ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг меҳнатга оид, мутахассисликка эга бўлиш, малакасини ошириш, муносиб ва ўз вақтида иш ҳақи олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирларини ҳамда дам олишларини ташкил этади.

III. Бирлашган қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Бирлашган Қўмита қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалайди ҳамда ҳимоя қилади;

- ҳудудда тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш чоратадбирларини ишлаб чиқишда, меҳнат, иш ҳақи меъёрлари масалаларини ҳал этишда қатнашади;

- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатади;

- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар ўтказиши;

- қўмита таркибига янги вакил этиб сайланган аъзоларнинг ваколатларини тасдиқлайди, шунингдек қўмита аъзоларини таркибидан чиқаради, сайлайди;



- раис, раис ўринбосарини сайлайди ва лавозимидан озод қилади;
- Ижроия қўмита таркибини сайлайди, комиссиялар тузади.

Бирлашган қўмита қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

11. Бирлашган Қўмитанинг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларига риоя этади;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини касаба уюшмаси аъзолари учун таъминлайди;
- рўйхатдан ўтказувчи орган вакилига ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини беради;
- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;
- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;
- ўз фаолияти тўғрисида тегишли конференция ва юқори сайлаб қўйилган касаба уюшмаси органларига ҳисобот беради;
- қўмита мажлислари зарурият туғилганда, лекин бир йилда камида бир марта чақирилади.

Бирлашган қўмита қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

12. Бирлашган қўмитанинг раҳбар органлари қуйидагилар:

- Конференция;
- Қўмита мажлиси (Пленум)
- Ижроия қўмита.

13. Бирлашган қўмитанинг конференцияси:

Бирлашган қўмитанинг юқори органи Конференция ҳисобланади.

Конференция Бирлашган қўмита мажлиси томонидан беш йилда камида бир марта чақирилади.

Конференцияни чақириш, делегатлар меъёри ва кун тартиби камида бир ой олдин маълум қилинади.

Конференцияга сайланадиган делегатлар меъёри, уларни сайлаш тартиби Бирлашган қўмита мажлиси томонидан белгиланади.

Навбатдан ташқари Конференция Бирлашган қўмита касаба уюшма аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан, Бирлашган қўмита кенгаши мажлисининг ўз ташаббуси билан ёки Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ чақирилиши мумкин. Бунда конференцияни чақириш муддати ва кун тартиби бўйича қарор камида ўн беш кун олдин эълон қилинади.

Бирлашган қўмита Конференцияси:

- юқори ташкилотлар конференциясига ва Курултойига делегатлар сайлайди. Белгиланган квотага мувофиқ юқори касаба уюшмаси органлари таркибига номзодлар тавсия қилиши мумкин;



- Бирлашган кўмитанинг ҳамда тегишли тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисида ҳисоботларни тинглайди, уларнинг янги таркибини сайлайди.

Конференция оралиғида Бирлашган кўмита кенгаш мажлислари тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг раҳбар органи ҳисобланади.

Бирлашган кўмита мажлислари бир йилда камида бир марта бирлашган кўмита Ижроия кўмитаси қарори билан чақирилади.

14. Бирлашган кўмита мажлиси.

Уставда белгиланган вазифаларни, Конференциялар ва Курултойнинг қарорларини бажариш бўйича ўз фаолиятини амалга оширади;

Раис, раис ўринбосарини сайлайди, лавозимидан озод қилади ва улар билан меҳнат шартномасини имзолаш ваколатни белгилайди;

Ижроия кўмитаси таркиби сайлайди, комиссиялар тузади;

Касаба уюшмаси бюджетини бошқаради, унинг бажарилиши ва тақсимланиши устидан назоратни амалга оширади.

Бирлашган кўмита фаолияти давомида бир йилда камида бир марта конференция ва юқори касаба уюшма органларига ҳисобот беради.

15. Бирлашган кўмитанинг Ижроия кўмитаси

Ижроия кўмита, Бирлашган кўмитанинг ишчи органи ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- амалдаги қонун ҳужжатлари ва касаба уюшмаси Устави, юқори органларнинг қарорлари асосида касаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ўз ишини ташкил қилади;

- ҳудуддаги тегишли иш берувчилар, идоралар билан тармоқ ходимларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи бўйича зарур бўлганда жамоа келишувларини қабул қилади;


- касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ташкил этади, касаба уюшмаси фаолиятига оид ижобий тажрибаларни оммалаштиради, кенгаш раиси ва раис ўринбосари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиради ва улар билан ишлашни ташкил қилади;

- янги ташкил этилган бошланғич ташкилотларни касаба уюшмаси хизматига олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, уларга жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатади;

- юқори касаба уюшмаси раҳбар органларининг қарорларини бошланғич ташкилотларга етказди, мазкур қарорларни бажарилишида бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

- аъзолик бадалларининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилади, муаммоли ҳолатлар содир бўлганда уларни бартараф этиш чораларини кўради;

- касаба уюшма бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчи билан келишган ҳолда қарор билан



тасдиқлайди, касаба уюшмаси бюджети маблағларидан оқилона фойдаланишни амалга оширади;

- мазкур Низом ва тартибларга асосан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини амалга оширади;

- ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш, шунингдек аъзоликдан чиқариш масалаларини ҳал қилади;

- қўйи касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлайди ҳамда бу борада амалий, услубий жиҳатдан кўмаклашади;

- Устав талаблари ва ўз дастурларида қўйилган мақсадларга эришиш учун касаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади;

- аъзолик бадалларининг тушумини ўрнатилган тартиб асосида таъминлаб беради;

- касаба уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий шароитини яхшилаш ва ишсизликни бартараф қилишга ўз ҳиссасини кўшиш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида (талабалар, ногиронлар ва тадбиркорларни ҳам бу ишга жалб қилган ҳолда) касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тадбиркорлик тузилмалари яратишни Республика кенгаши қарори билан амалга оширади;

- кўмита мажлисини чақириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, мажлис ўтказиш кунини белгилайди ва кун тартиби юзасидан таклифларни киритади;

- кўмита иш режасини тасдиқлайди, касаба уюшма ходимлари ва фаолларини юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг Фахрий ёрлиқлари, нишонлари билан тақдирлашга тавсия этади;

- тармоқ Устави билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бирлашган Кўмита қошида “Жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш комиссияси” тузилади. Комиссия келиб тушган жамоа шартномалари лойиҳаларини 15 календарь кундан кўп бўлмаган муддатда жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади.

Унда, жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек Бош келишувга ва тармоқ келишувларига мувофиқлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Комиссия таркибига ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, меҳнат бўлимлари вакиллари ва бошқа малакали мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

16. Бирлашган кўмитанинг таркиби

Бирлашган Кўмитанинг таркибий тузилмаси, ҳақ тўланадиган аппарат ходимларига эга бўлган кўмитанинг штатлар жадвали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишган ҳолда Республика кенгаши Ижроия кўмитаси қарори билан тасдиқланади ҳамда уларнинг иш ҳақи миқдорлари



Федерация томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

17. Бирлашган кўмита раиси

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бирлашган кўмитаси раиси конференцияда 5 йил муддатга сайланади.

Бирлашган Кўмита раиси:

Конференция, кўмита Мажлиси ва Ижроия кўмитаси олдида ҳисобот беради;

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситаларида ҳудудий касаба уюшмаси номидан иш кўради;

Ижроия кўмита номидан иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва идоралар ва бошқа ташкилотлар билан меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларда келувларни имзолайди;

Муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситадиган ёки қонун ҳужжатларига зид қарорлар ижросини тўхтатиб қўйишни ёки ўзгартиришни талаб қилади;

Бирлашган Кўмита номидан мурожаатнома ва тавсиялар йўллайди, муаммоли вазиятлар юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан музокараларга киришади;

Бирлашган кўмита аппаратининг ички меҳнат тартибини белгиловчи ва бошқа локал ҳужжатларни тасдиқлайди;

Бирлашган кўмита аппаратига умумий раҳбарликни амалга оширади, аппарат ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларнинг вазифаларини белгилайди, раҳбатлантиради ва интизомий жазо чораларини қўллайди, кўмита аппаратининг маъмурий-ҳўжалик фаолиятини таъминлайди;

Касаба уюшмаси Уставида белгиланган ваколати доирасида фармойишлар чиқаради;

Бирлашган Кўмита номидан ишончнома беради;

Бирлашган кўмита Ижроия кўмитаси йиғилишини чақиради, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан йиғилишга ҳужжатлар тайёрланиши ва киритилишини назорат қилади, қабул қилинган қарорларни имзолайди;

Бирлашган кўмита номидан ҳўжалик ва шартномаларни тузади;

Тасдиқланган смета ва Ижроия кўмита қарорларига мувофиқ мулк ва пул маблағларидан фойдаланишни бошқаради;

Бирлашган кўмита раиси лавозимига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида кадрлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган;

18. Раҳбар ва масъул ходимлар лавозимларига кадрларни танлаш, келишиш ҳамда суҳбатдан ўтказиш тартибига асосан амалга оширилади.



19. Бирлашган кўмита фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш масаласи Республика кенгаши Ижроия кўмитаси ва Бирлашган кўмита конференцияси томонидан амалга оширилади.

20. Бирлашган кўмитанинг фаолияти тугатилса, барча молиявий мажбуриятлар бажарилганидан сўнг, унинг мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика кенгашига ўтказилади.

IV. Бирлашган кўмитанинг тафтиш комиссияси

21. Бирлашган кўмитанинг Тафтиш комиссияси тегишли сайлаб қўйиладиган органлари билан бир вақтда Конференцияда беш йил муддатга сайланади.

22. Тафтиш комиссияси ўз фаолияти тўғрисида Бирлашган кўмита Конференциясига ҳисобот беради ҳамда касаба уюшмаси Устави ва “Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низом”га асосан фаолият юритади.

23. Тафтиш комиссияси касаба уюшмаси Устави, мазкур Низом талабларига риоя қилиши, уларнинг моливий-хўжалик фаолияти, аъзолик ва бошқа бадалларнинг ҳисобланиши, тушиши, ўтказилиши, пул маблағларининг тўғри сарфланиши, касаба уюшмаси мулкидан фойдаланишни назорат қилади.

24. Конференциялар оралиғида зарурат туғилганда Тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш бирлашган кўмита билан Тафтиш комиссиясининг қўшма Мажлисида амалга оширилади.

25. Тафтиш комиссияси қуйи касаба уюшмаси ташкилотларини тафтиш қилиш ҳуқуқига эга.

26. Тафтиш комиссияси аъзолари касаба уюшмасининг тегишли раҳбар органлари йиғилишларида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга.

V. Бирлашган кўмита раҳбар органлари, мажлисларини ваколатли бўлиши, қарорлар қабул қилиниш ва овоз бериш тартиби

27. Бирлашган кўмита Конференциясида делегатларнинг камида учдан икки қисми, кўмита мажлиси ва Ижроия кўмита мажлислари, уларнинг ишида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда, улар ҳуқуқли ҳисобланади.

28. Бирлашган кўмита Конференцияси, кўмита Мажлиси ва Ижроия кўмита йиғилишларининг қарорлари, уларда қатнашаётган делегатлар, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ярмидан кўпи қўллаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

29. Овоз бериш шакли (очиқ ёки ёпиқ) ва тартиби Конференция делегатлари, коллегиял раҳбар орган йиғилишлари иштирокчилари томонидан белгиланади.

30. Конференция, коллегиял раҳбар органлари мажлисларида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинади ва баённомалар расмийлаштирилади.



31. Сайланган коллегиял органларнинг ваколати тугаганда, навбатдаги йиғилишни ўз вақтида ўтказиш имкони бўлмаса, шу органнинг ваколатини узайтириш тўғрисида коллегиял орган қарор қабул қилади.

32. Коллегиял орган йиғилишларини онлайн (масофадан) ўтказиш мумкин.

VI. Бирлашган қўмитанинг пул маблағлари ва мол-мулкни шакллантириш манбалари ва бошқариш тартиби

33. Бирлашган қўмитанинг пул маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг ойлик аъзолик бадалларидан, ҳомийларнинг касаба уюшмасини қўллаб-қувватлаш учун берган ёрдамлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятдан келадиган маблағлардан ташкил топади.

34. Касаба уюшмаси органлари қўшимча маблағ топиш мақсадида янги иш ўринлари яратиши, белгиланган тартибда корхоналар ташкил этиши, мақсадли жамғармаларни шакллантириши мумкин.

35. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдаги пул маблағларини депозитга қўйиш, акцияларни сотиб олиш ва ўз мулкларини ижарага бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу фаолиятдан тушган даромад устав мақсадлари учун сарфланади.

36. Аъзолик бадаллари ҳисобидан тушадиган маблағлар маданий-маърифий, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, бирлашган қўмита аппарати ходимларини сақлаб туриш ва хўжалик ҳаражатлари ҳамда касаба уюшмаси Уставида ва мазкур Низомда белгиланган ва бошқа мақсадларга бирлашган қўмита Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланган сметага мувофиқ ҳаражат қилинади.

37. Бирлашган қўмита аппарати ходимлари сони, штатлар жадвали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

38. Бирлашган қўмита ўзининг мустақил баланси, ҳисоб ва бошқа банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

39. Пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, спорт-соғломлаштириш анжомлари ва тегишли бошқа мол-мулклар бирлашган қўмитанинг мулкидир.

40. Аъзолик бадалларининг тақсимоли миқдори ва тартиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан белгиланади.

41. Бирлашган қўмитанинг мол-мулки унинг розилигисиз фақатгина суд қарорига биноан олиб қўйилиши мумкин.

VII. Бирлашган қўмитанинг ҳисоби ва ҳисоботи

қўмита ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.



VIII. Бирлашган кўмитанинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари

43. Бирлашган Кўмита юридик шахс сифатида ўзининг белгиланган намунадаги муҳри, штамп, расмий хизмат хатлари (бланклар)га, шунингдек, банкда ўз ҳисоб рақамига ҳамда юридик манзилига эга бўлади.

IX. Бирлашган кўмита Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

44. Мазкур Низомга касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

45. Низомга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий органига тақдим этилади.

X. Бирлашган кўмитанинг тугатиш тартиби

46. Бирлашган кўмита фаолиятини тугатиш Республика кенгаши Ижроия кўмитаси қарорига асосан тегишли касаба уюшмаси ташкилот конференциясида амалга оширилади. Барча молиявий мажбуриятлар бажарилгандан сўнг, кўмитанинг мол-мулки ва маблағлари Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун Республика кенгаши тасарруфига ўтказилади.

47. Мазкур Низомда назарда тутилмаган масалалар касаба уюшмаси Устави ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон маданият, спорт ва
туризм ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси



Ш. Дехконов

Toshkent viloyati Adliya
boshqarmasida
ROYXATGA OLINDI
2022 y. 28. iyun.
№ 126-son



Тикилган ва муҳрланган
11 (ун бир вароқда)